

МУАЛЛИМ КОНЦЕПТИНИНГ ТУРЛИ КОНЦЕПТОСФЕРАЛАРДА ҚЎЛЛАНИШИ

Мамасолиев Рустамжон Адхамжонович

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Муаллим,
Концептосфера

Аннотация

Мақолада муаллим концептининг турли концептосфераларда қўлланиши ва унинг бугунги кундаги мақоми хақида сўз боради.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Ustoz va murabbiylarga ehtirom ko‘rsatish, ularni e'zozlash, ijtimoiy jihatdan qo‘llab-quvatlash borasida ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. Jamiyatning ko‘p qismini tashkil qiluvchi yoshlarimizga ta’lim-tarbiya berib kelayotgan ustoz va murabbiylarimizni har vaqt hurmatlashimiz va e'zozlashimiz lozim. Zero, kelajak avlod barkamol, yetuk va ma’tifatli bo‘lib yetishishida ularning xizmatlari kattadir. O‘zbekiston bugungi dunyo hamjamiyatida ta’lim, madaniyat, sport va boshqa sohalarda o‘z mavqe‘iga ega bo‘lishida ustoz va murabbiylarning o‘rni beiqiyosdir. Shu munosabat bilan yurtimizda har yili 1 oktyabr kunini “Ustoz va murabbiylar kuni” sifatida nishonlanadi. Bu kunda ustozlarga yanada ko‘proq hurmat-izzat ko‘rsatiladi va ularga xursandchilik baxsh etishga harakat qilinadi.

Таълим соҳасидаги фаолият олиб борувчи мутахассислар бир неча номлар билан аталишини хаммамизга маълумдир. Олдинги бобимизда уларнинг келиб чиқиши, этимологиясига турлича изоҳлар келтирилганлигини гувоҳи бўлдик. Энди эса “муаллим” концептининг концептосфераларини бирма-бир кўриб чиқсан.

Аввал ”муаллим“ сўзинининг изоҳини келтириб ўтсан: муаллим сўзи араб тилидан олинган бўлиб, илм, таълим, олим сўзлари билан ўзакдош. Ўзбек тилида икки хил маънода қўлланади:

1. Дарс берувчи киши; ўқитувчи, педагог; математика муаллими, мусиқа муаллими, университет муаллими: Фикхдан таълим берувчи муаллимнинг маоши 300 дирҳамни ташкил этган, “Фан ва турмуш”
2. Таълим берувчи, бировга бирор нарса ўргатувчи киши; устод, устоз. Бугун муаллим сўзи жонли тилда кам қўлланади. Оғзаки услубда малим шаклида ишлатилиши учрайди.

“Муаллим” концептининг кўпинча “домла” деб мурожаат этишини гувоҳи бўламиз.

Домла сўзининг этимологияси хақида турли қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, сўзининг тўлиқ шакли - домулла. Халқ тилида ана шу тўлиқ шакли ҳам ишлатилиб туради. Изоҳли лубатда берилишича, форс ва ҳинд тилларидаги сўзлардан ҳосил бўлган додо ва арбча **мулла** сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган.

Миллий энциклопедияда келтирилишича, бу сўз эски мактабларда ўғил болаларга таълим-тарбия берган зиёлилар, масжид имом-хатиблари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида дарс берувчилар, бирор соҳада обрў-эътибор қозонган, илғор дунёқараши, эътиқоди ва бошқа фазилатлари билан ўзгаларга намуна бўладиган кишиларга нисбатан ишлатилади.

Ўқитувчи сўзига келсак, бу сўз соф ўзбек атамасидир. Ўқитувчи сўзи домла, муаллим, устоз, мураббий каби сўзлар қаторида соф ўзбекча экани билан ажралиб туради. У фан, тарбия асосларидан бирини ўқитадиган, дарс берадиган кишини англатади.

Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида, мактабларда дарс берадиган мутуахассисларнинг расмий лавозими ҳам айнан ўқитувчиликдир. Жисмоний тарбия ўқитувчиси унга "сендан язши спортчи чиқади", деган. Ў.Хошимов, "Қальингга қулоқ сол"

Мураббий-тарбиячи демакдир. Мураббий араб тилидан олинган бўлиб, тарбия сўзи билан ўзакдош. Ўзбек тилида тарбиячи, раҳнамо, спорт тренери каби маъноларда ишлатилади. Мураббий-бала қалбида ниш ура бошлаган эмас, қанчадан-қанча қиз-жуонларнинг иураббийси. Ё.шукуров, "Марғилон гўзали" У ўз жамоаси билан жуда кўп совринларни қўлга кирита олган мураббийдир.

Мударрис-дарс берувчи. Мударрис сўзи араб тилидан кирган. Дарс, мадраса сўzlари билан ўзакдош. Мадрасада дарс берувчи кишини билдиради. Хозир ҳам диний таълим муассассалари, жумладан, мадраса муаллимлари мударрис деб аталади. Бу сўз олдинлари тилда фаол қўлланган: катта амакиси Бухорорнинг "Хўжа Порсо" мадрасасининг мударриси бўлиб, Абдураҳмон шу кишининг тарбиясига келган эди, А.Қодирий, "Мехробдан чаён".

Педагог-қадимги атама бўлиб, бу сўзининг илдизи қадимги юнон тилидаги пайдагогос иборсаига бориб тақалади. Бола етакловчи маъносига эга бу атама, дастлаб болага илк таълимни берувчи ва унга ғамхурлик қилувчи қулларга нисбатан ишлатилган. Қадимги афинада бола етти ёшга етгач, педагог тарбиясига берилган. У болани саводини чиқарган. Жисмоний ва руҳий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ҳам педагог зиммасига юклатилган. Педагог болани мактабгача кузатиш ва олиб келиш, ҳамиша унинг ёнида бўлиш мажбуриятини олган. Педагог сўзи редиатр сўзи билан қариндош. педиатр болалар саломатлиги бўйича мутахассисдир. Педагог сўзи дастлаб лотин тилига, ундан француз тилига ўтган. XVIII асрда рус тилига кириб келган ва кейинчалик, ўзбекчага ўзлашган. Хозирги ўзбек тилида педагог сўзи педагогика соҳаси мутахассиси; болалар ва ёшларни тарбиялаш ва ўқитиши билан шугулланувчи, шу соға бўйича маҳсус тайёргарликка эга бўлган шахс, ўқитувчини англатади: Педагогнинг вазифаси юксак, муруккаб ва олийжанобдир."Фан ва турмуш"

Тьютор-мураббий демакдир. Тилимизда охирги бир йил ичида пайдо бўлган юу атама талабаларнинг маънавий ва ижтимоий ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиб борувчи, мавжуд муаммоларни бартараф этишда яқиндан ёрдам қўрсатувчи мутахассисни англатади. Тьютор-инглизча сўз. Инглиз тилига лотин тилидан қадимги француз тили орқали ўтган. Бу сўзининг илдизи эса санскрит тилига бориб тақалади. Тьютор замонавий инглиз тилида устоз, мураббий, хусусий таълим билан шуғулланувчи мутахасс маъноларида қўлланади. Ўзбек тилида олий таълим муассаси ходимини англатади. У талабаларни қизиқишини, дарсдан кейинги машғулотлари, яшаш шароитлари каби масалалар билан шуғулланади. Мураббий сўзи маъносини бера олади.

Профессор сўзи лотинчада оммавий ўқитувчи, халқ ўқитувчиси деган маънони англатади. Унинг ўзаги эса profiteri-очиқ айтмоқ, эълон қилмоқ, ошкор гапирмоқ феълларига бориб тақалишини юқоридаги таҳлилларимизда кўрдик. Профессор олий ўқув юртлари ва илмий институтлардаги юксак малакали илмий ходимларнинг илмий унвони ёки лавозимиdir. Даствлаб, XVI асрда Оксфорд университетида расмий мақом сифатида қўлланган.

Инструктор –lot.instructor-ташкилотчи, ташкил қилувчи

1. Кўл остидаги муассаса, ижтимоий ташкилот ва шахсларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, бирон –бир ишни тўғри йўлга қўйишни ўргатувчи шахс. Инструктор йигит навбатдаги аёлни бошлаб кирди. Ў.Усмонов, Сирли соҳил
2. Маълум бир мутахассисликка ўргатувчи, малака берувчи шахс.Бу шаҳарда, Навоий шаҳрида кўпгина спорт ишларини жамоатчи тренер ва инструкторлар олиб бормокда. (Газетадан)

Тарбиячи-тарбия берувчи шахс, мураббий. Боғча тарбиячиси.Тарбиячи аёл. Унинг ғурур тўла кўзлари...устозларга тикилар, ота ўрнида оталик қилган хурматли Давроновга жонкуяр тарбиячи Нафиса хонимга чин қалбидан минатдорлик билдиргиса келар эди. П.Турсин, Ўқитувчи. Абдулла Қаҳҳор ёшларнинг..том маънодаги тарбиячиси эди. Газетадан.

Тренер-инглиз тилидан trainer-train-ўргатмоқ, машқ қилдиromoқ деган маънони билдиради. Спортнинг бирор тури бўйича спортчилар тайёргарлигига раҳбарлик қилувчи мутахассис. Футбол жамоасининг тренери. Тренер менга кўлқоп бераётib: Юрагингни сақла!-деди. И.Рахим, Чин мухабbat. Бу шаҳарда кўпгина спорт ишларини жамоатчи тренер ва инструкторлар олиб бормокда. Газетадан. Тренер шогирдини ҳаяжонланемасликка ундар, сўнгти маслаҳатини берарди. Газетадан.

Ausbilder -муаллим дегани бўлиб, айниқса чанги учиш ёки сузиш мураббийи

Pädagogin – инсонларга ўзи билган ҳамма нарсани ўргатади ва шу билан бирга уларга тарбия ҳам бериб келувчи муаллим,

Педагог-юнонча piadagogos-тарбиячи. Педагогика мутахассиси; болалар ва ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш билан шуғулланувчи, шу соҳа бўйича маҳсус тайёргарликка эга бўлган шахс, ўқитувчи. Моҳир педагог. Мактаб педагоглари жамоаси. Ўз талабаларида география фанига алоҳида меҳр уйғота олган моҳир педагоглардан.С.Аҳмад, Юлдуз. Педагогнинг вазифаси, юксак, мураккаб ва олийжанобдир.”Фан ва турмуш”.

Педагогик-1.Педагогга оид, хос. Педагогик жамоа. Педагогик фаолият. Педагогик маҳорат.Педагогик амалиёт.

2.Педагогикага оид. Педагогик асарлар. Педагогик билимлар.Педагогик жараён

Pedant – академик фанлар билан шуғулланиб уларни талабаларга боҳабар қиладиган муаллим ёки ўқитувчи

Erzieherin, Erzieher - таълим назариялари ва усувлари назарияларини ўргатувчи муаллим, ўқитувчи, педагог

Gouvernante –авваллари бир оиласда болаларни тарбиялаб, ўқитиб, меҳнатига маош олган муаллим аёл.

Meisterschaft - муайян спорт тури бўйича ўргатиб келадиган маҳоратли мураббий ёки муаллим

Lehrer -мактабда дарс берадиган ўқитувчи муаллим, устоз

Tutorin, Tutor –Британия университети ёки коллежида репититор ёки ўқитувчи, муаллим тарбиячи, муаллим

Trainer-бир спорт тури бўйича одам ёки жамоани тайёрлайдиган муаллим ёки мураббий

Vorlesung-лекция ўқийдиган ўқитувчи, муаллим

Лектор-лот тилидан lector-ўқитувчи . Маъруза (лекция) ўқувчи киши

Wiederholungst ter -муаллим, устоз, тарбиячи, репититор аёл

schoolmaster *or* schoolmistress Lehrer-männliche Person, die an einer Schule unterrichtet (Berufsbezeichnung)-мактабда дарс берадиган эркак киши

Lehrkraft eine engagierte, erfahrene Lehrkraft-фидоий тажрибали ўқитувчи

Schulmeister-дарс беришни яхши кўрадиган эркак киши

Ausbilder –инструктор, айниқса ҳарбий соҳада

Erzieher-болалар ва ёшларни тарбиялайдиган эркак киши

Guru –хиндуизмда (илоҳий мавжудотнинг тимсоли сифатида ҳурмат қилинади) диний ўқитувчи

Lehrkraft –фидоий тажрибали ўқитувчи

Meister-хунарманд ўқитувчи

Pauker-профессионал ногора чалишни шргатадиган муаллим

Pädagoge-тегишли педагогик тажрибага ўга муаллим

Pädagogiker-таълим ва тарбия берадиган муаллим

Berufstätiger-профессионал муаллим

Bremser-темир йўли мутахассис ўқитувчиси

Coach-репититор

Kursleiter-ўқитувчи, лектор, инструктор

Tutor-ўқувчи ва талабаларга маслаҳат берувчи муаллим

Übungsleiter-ташкилот ёки амалиётда раҳбарлик қиладиган эркак киши муаллим

instructor – автомобил хайдашни ўргатадиган муаллим

coach –талабаларни имтиҳонга тайёрловчи муаллим, репититор

tutor –ўқувчилари билан алоҳида машғулот ўтказадиган муаллим

don –университет ёки ўқув муассасида ўқитувчилар таркибининг аъзоси

guide –саёхатчиларни ёки ўрганувчиларга йўл кўрсатадиган шахс

professor-олий таълимдаги муаллимнинг энг бқори даражаси

trainer –спортда ёки жамоага мураббийлик қилувчи муаллим

lecturer-маъруза ўқидиган муаллим

gurux бир киши ёки бирор гурухнинг раҳбари ёки маслаҳатчиси

mentor –маслаҳатчи ёки раҳбар

educator-ўқитувчи маъносида билим берувчи шахс

pedagogue тегишли педагогик тажрибага эга муаллим

Master *or* mistress –**муаллимлар кенгаши раиси.**

Vatanimizda amalga oshirilayotgan keng islohotlar ta'lif tizimini ham chetlab o'tgani yo'q. Ta'lif sifatini oshirish, o'qituvchilarning jamiyatdagi obro'-e'tiborini ko'tarish, ularning oylik maoshlarini ko'paytirish kabi ishlar izchillik bilan amalga oshirilmoqda. Xususan, diniy ta'lif tizimida ham kun sayin ijobjiy o'zgarishlar ro'y bermoqda. Masalan, 2018 yil 17 aprelda "Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" Prezident farmoni chiqdi, joriy yildan "Hadis maktabi" ishga tushdi. Kelajakda bu maktab yetuk hadis ilmi mutaxassislarini yetishtirib beradi. Din

ishlari bo‘yicha qo‘mita, O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi, Islom sivilizatsiyasi markazi, Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi va barcha diniy-ma'rifiy tashkilotlarda faoliyat ko‘rsatayotgan nafaqadagi xodimlar oyliklari bilan birga nafaqa pullarini to‘liq oladigan bo‘ldi.

Hukumatimiz tomonidan ta'lif sohasi va o‘qituvchi-murabbiylarga ko‘rsatilayotgan bunday e'tibor tahsinga loyiqidir. Zero, ular tarbiyalaydigan bilimli, ham ma'naviy, ham jismoniy kuchli farzandlarimiz davlatimiz kelajagi bo‘ladi. Bizning musulmonlik burchimiz – har bir yaxshilikka shukr aytish va bu xayrli islohotlarda faol bo‘lib, imkon boricha qo‘llab-quvvatlashimiz maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Фойдаланилган адабиётлар

REFERENCES

1. L.E.Pizani V., Etimologiya, per. sital., M., 1956; Sevortyan E.V.
2. Etimologicheskiy slovar tyurkskich yazikov, T., 1—4, M., 1974—84; Rahmatullayev Sh., O‘zbek tilining etimologik lug‘ati, T., 2000.
3. National encyclopedia of Uzbekistan State Scientific Publishing House. November 7, 2014.
4. National encyclopedia of Uzbekistan. Tashkent. 2000-2005.
5. An explanatory dictionary of the Uzbek language. Under the editorship of A. Madvaliev (2006-2008).
6. Mamasoliev, R. A. (2022). Analysis Of Synonyms For The Concept Of Teacher In German And Uzbek. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, 2022(1), 194-203.
7. Мамасолиев, Р. А. (2021). Communicative And Pragmatic Features Of The Teacher Concept In German And Uzbek Languages. *Международный Журнал Языка, Образования, Перевода*, 4(2).
8. Mamasoliyev, R. (2020). Modern Innovative Directions Of Pedagogical Education Development. *Теория и практика современной науки*, (6), 16-18.
9. Mamasoliyev, r. A. (2022). Application of the teacher concept in different conceptual spheres. *Innovative technologica: methodical research journal*, 3(11), 23-27.
10. Adxamjonovich, M. R., & Ibroximovich, S. R. (2022). Lexico-Thematic and Linguoculturological Characteristics of the Concept Teacher. International Journal of Formal Education, 1(10), 106-110.
11. Мамасолиев, Р. А. (2022, January). Немис Ва Ўзбек Тилларида “Муаллим” Концептини Ифодаловчи Воситалар Ҳақида Қисқача Тўхталиш. In International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 2, No. 1).